
"Прокурор ва ёшлар" учрашуви

Данғара тумани 27- сонли Мусиқа ва Санъат мактабида "Прокурор ва ёшлар" учрашуви ўтказилди.

Учрашувда ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлод бўлиб етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги тўғрисида фикрлар билдирилди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувда ёшларни қизиқтирган саволларига жавоб бериб ўтилди

Учрашув давомида "Ёшлар дафтари"га киритилган ижтимоий-ҳимояга мухтож, ишсиз ёшлар ҳамда касб-ҳунарга ўқитилган ёш хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида тикув машиналари топширилди.

2024-09-18 17:43:40